



ЧЎЛПОННИНГ ЖОРИЙ НАШРЛАРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН ШЕЪРЛАРИ ХУСУСИДА

Исломова Соҳибахон Исмоилжонова

Андижон давлат университети

Докторанти, islomovasoxiba7@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15056508>

ARTICLE INFO

Received: 27th February 2025

Accepted: 28th February 2025

Published: 18th March 2025

KEYWORDS

илмий-танқидий матн, қатағон, жадид, шеърий тўпلام, матний тафовут, транслитерация, шеърнинг график шакллантирилиши.

ABSTRACT

Мақолада қатағон қурбони Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ҳозиргача нашр этилган тўпلامларига киритилмаган шеърлари ҳақида фикр юритилган. Мазкур мақолада “Аризанома” шеърининг шоир ҳаётлигидаги ҳамда қайта нашрлардаги нусхаларига кенгроқ тўхталинган.

Чўлпон асарларининг қўлёзмалари сақланмагани, шоир архивининг йўқ қилингани, шеърларининг аксарияти вақтли матбуот нашрларида чоп этилгани ва уларнинг каттагина қисми ўзи ҳаётлик пайти тартиб берилган тўпلامларига кирмай қолгани каби сабаблар туфайли кейинги нашрлар мундарижасида ҳам турличаликлар кузатилади. Баъзи нашрларда Чўлпонга мансуб бўлмаган шеърлар унга нисбат берилса, унинг қаламига мансуб айрим шеърлар ҳали ҳануз тўпلامларига киритилмай келади. Чўлпон шеърларининг қайта нашрларида кузатилаётган мазкур муаммони атрофлича кўриб чиқиш ғоят долзарб бўлиб, шоир ҳаёти ва ижодий мероси билан боғлиқ кўплаб бошқа муаммоларни ҳам очиқлашга ёрдам беради.

Чўлпон ҳаётлик вақтида матбуотда чоп этилган ва шубҳасиз унинг қаламига мансуб айрим шеърлар ҳали-ҳануз тўпلامларига киритилмай келинаётгани айтилди. Бу тоифадаги шеърларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. “Турк саломии” шеъри. Бу асар “Хуррият” газетасининг 1917 йил 29 август сонида “Абдулҳамид Сулаймон” имзоси билан чоп этилган. 1994 йилда нашр қилинган “Асарлар” I жилди охиридаги изоҳлар қисмида у ҳақда маълумот берилган, аммо шеър матни негадир келтирилмаган. “Турк саломии” мазмуни ва ғоявий руҳи жиҳатидан “Бузулган ўлкага” шеърига жуда яқин туради. Шеърнинг сарлавҳасидан сўнг “Қофқосия турклари” деган бағишлов, саҳифа ости изоҳида эса “Охири бор” деб қайд этилган. Бағишлов “Турк саломии” шеъри Чўлпоннинг “Қофқосия турклари” билан Фарғона турклари ўртасида алоқа боғлаш учун сафарга боргани билан боғлиқ эканига ишора қилади. Демак, у Чўлпон ҳаёти билан боғлиқ факт билан чамбарчас боғлиқ, яъни биографиясини ўрганишда ҳам муҳим бўла олади. Бошқа томони, Чўлпоннинг бизга маълум шеърлари сирасида “Турк саломии” иккинчи эканини эътиборга олинса, у шоир ижодий тадрижини изчил кузатиш учун ҳам муҳим. Шуларга кўра, “Турк саломии” шеъри ҳақли равишда шоирнинг кейинги тўлиқ тўпلامларига киритилиши керак.

2. “Бу кундирки” шеъри “Бир кунлик камбағаллар газетаси”да эълон қилинган[1.2] ва Б.Дўстқораев томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида жорий ёзувга транслитерация қилиниб, адабиёт ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилинган[2.4]. Ушбу асарда шоир “Чўлпон” имзосини қўллаган.

3. “Шарқнинг исёни” шеъри. Бу шеър “Туркистонли Чўлпон” имзоси билан 1920 йилда Бокудаги “Fuqara fuuzati” журналининг 1-сонида эълон қилинган. Шеърнинг жорий ёзувга транслитерацияни Т.Тоғаев амалга оширган ва “Миллий тикланиш” газетасида қайта эълон қилган[3.4].

4. “Аризанома” шеъри. Мазкур шеър 1925 йилнинг 8 октябрида Андижон шаҳрида ёзилган. “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1925 йил 16 октябрь сонида[5.4] ва “Ер юзи” журналининг 1926 йил 6-сонида эълон қилинган[6]. Шеърнинг жорий ёзувга транслитерацияни О.Шарафиддинов амалга оширган ва “Адабиётимизнинг ярим асри” китобида қайта эълон қилинган[4. 184-185].

5. “Айрилиш” шеъри шўро давлатининг йирик арбобларидан саналувчи В.Куйбишев вафоти муносабати билан ёзилган бўлиб, 1935 йилда “Совет адабиёти” журналида босилган. Аввалига, яъни қайта нашрларнинг илк босқичи - “Асарлар - 94” нашр этилгунга қадар мутахассисларга маълум бўлмагани, сўнг эса ғоявий томонларини ўйлаб бўлса керак, кейинги нашрларга киритилган эмас.

Мазкур рўйхатни яна анчагина давом эттиришимиз мумкин, аммо мақола ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ушбу шеърлардан “Аризанома”га тўхталиб ўтишни лозим топдик.

“Аризанома” – шеърнинг қисқартирилган номи бўлиб, тўлиқ номи “Ўзбекистон Марказ Ижроия кўмитасининг Раиси ўртоқ Охунбобо ўғлига Андижон шаҳри Олайлик даҳа Тожик маҳалла фуқароси мулло Фалонийдан аризанома”дир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мазкур шеър илк бор “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1925 йил 16 октябрь сонида, сўнгра эса “Ер юзи” журналининг 1926 йил 6-сонида чоп этилган. Ҳар икки нусхада ҳам шеър якунида берилган жой ва вақт қайдига кўра 1925 йилнинг 8 октябрида Андижон шаҳрида ёзилганлиги англашилади. Ушбу шеър ҳақида 2014 йил 2 сентябрда “e – adabiyot.uz” интернет сайтида ҳам маълумот берилган[7].

Унда ушбу шеърнинг ёзилиш тарихига, унинг ғоявий-бадий хусусиятларига бироз тўхталиб ўтилган ҳамда “Аризанома”нинг жорий ёзувимизга транслитерация қилинган матни эълон қилинган. Мазкур манба билан танишиб чиқиб шунга амин бўлдикки, муаллиф ушбу шеърнинг “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1925 йил 16 октябрь сонида эълон қилинган бирламчи манбасидаги нусхасидан ва О.Шарафиддинов томонидан транслитерацияси амалга оширилган “Адабиётимизнинг ярим асри” китобидаги жорий нашри нусхасидан ҳам беҳабар кўринади. Чунки мазкур манбада “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1925 йил 16 октябрь сонидаги нусхаси ҳақида бирор ўринда маълумот берилмаган. Боз устига, манбадаги “Қуйида эса Чўлпоннинг замондошларимизга номаълум бўлиб келаётган шеърини ҳавола этмоқдамиз” тарзидаги муаллифнинг эътирофидан “Адабиётимизнинг ярим асри” китобидаги жорий нашри нусхасидан ҳам томомила беҳабар эканлигини сезиб олишимиз қийин бўлмайди[4. 184-185].

“Аризанома”да “Қаландар” тахаллуси қўлланилган. Бу эса Чўлпоннинг рад этиб бўлмас тахаллус ва имзоларидан бири ҳисобланади, негаки мазкур тахаллус шоир ўзи тартиб берган тўпламларида ҳам кўп учрайди.

Шеърнинг барча нусхаларини ўзаро қиёслар эканмиз, график шакллантирилишида, тиниш белгиларининг қўлланишида, сўз ва сўзшаклларининг ёзилишида айрим

тафовутларга дуч келамиз. Бу масалага мақола ҳажмини инобатга олган ҳолда тўхталамиз.

Маълумки, мазкур шеър маснавий шаклида ёзилган бўлиб, 33 байт (66 мисра)дан ташкил топган. “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1925 йил 16 октябрь сонидан эълон қилинган бирламчи манбасидаги нусхасида 8 байт (16 мисра)дан сўнг қалин қора чизиқ тортилган ва алоҳида бандга ажратилган. Лекин “Ер юзи” журналининг 1926 йил 6-сонидан чоп этилган нусхасида ушбу алоҳида бандга ажратиш ҳолати кузатилмайди. Матн билан яқиндан танишгач, кейинги нусхада шоир шеърни қайта ишлаб, уни таҳрир қилганига гувоҳ бўламиз. Чунки мазкур ўринда алоҳида бандга ажратиш ўринсиз эканлигини шеър мазмунидан ҳам фаҳмлаб олишимиз қийин бўлмайди:

Дейдурларким: “Ўзбекистон – бекар гап,

Уни ҳар дам “уполиста” ер чайнаб.

“Шилхос” деган ҳамма ишни буюрар,

Ҳар хусусга буюрдим деб, қўл қўяр.

Бошқаларда ҳеч бир ишка инон йўқ,

Шилхос амрин қайтармоққа имкон йўқ.

Охунбобо ўғли деган бир оми,

Йўқдур унда ватан, миллатнинг ғами”.

Яна ўшал сафсатачи оқларга,

Элдан ажраб якка қолган тоқларга.

Юқоридаги сатрлардан кўринадики, “Йўқдур унда ватан, миллатнинг ғами” мисраси билан тугалланган ўринда кўчирма гап (ўзганинг гапи) яқунланиб, муаллиф гапи бошлангани англашилади. Бу ҳолатда бандга ажратиш зарурияти йўқлиги яққол сезилмоқда. Демак, шоир кейинги нусхада мазкур ўринда шеърни алоҳида бандга ажратмай тўғри йўл тутган.

Шеърнинг шоир ҳаётлиги даврида яратилган нусхаларида бугунги кундаги тиниш белгиларининг қўлланиши билан боғлиқ бир нечта тафовутлар учрайди. Масалан, юқорида келтирилган парчада қўлланилган кўчирма гаплар муаллиф гапларидан қўштирноқ (“ ”) билан эмас, балки, қавс (“ ”) тиниш белгиси билан ажратилган.

Шеърнинг бирламчи ва жорий нашрларини қиёслаганимизда жуда кўп ўринларда матний тафовутларга дуч келдик. Булардан айримларига тўхталиб ўтамиз. Шеърнинг 9-мисраси аввалидаги “дейдурларким” сўзи жорий нашрларда “дейдиларким” шаклида, 13-мисра аввалидаги “бошқаларда” сўзи “бошлиқларда” тарзида қўлланилган. Шеърнинг 56-мисрасидаги “сафларидан” сўзи жорий нашрларда “танларидан” шаклида берилган. Мазкур матний хатоликлар шеърнинг маъносини айрим ўринларда бутунлай ўзгартириб юборган. Ушбу шеърда бу каби матний тафовутлар, хатоликлар, афсуски, жуда кўп ўринда кузатилади.

Тўғри, ушбу шеър бадий жиҳатдан етук бўлмаса-да, аммо Чўлпонга хос услубда ёзилган. “Ўзбекистон Марказ Ижроия кўмитасининг Раиси ўртоқ Охунбобо ўғлига Андижон шаҳри Олайлик даҳа Тожик маҳалла фуқароси мулло Фалонийдан аризаномаси” шеъри ҳақли равишда шоирнинг кейинги тўлиқ тўпламларига киритилиши керак.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадики, Чўлпон асарларини тўплаш ва қайта нашр қилиш борасида ҳали қилиниши зарур бўлган ишлар жуда кўп экан. Бу йўлдаги ҳаракатлар бошланганига қарийб ўттиз йил бўлди, ҳатто ўттиз йил чегарасидан ўтди дейиш ҳам мумкин. Ўтган йиллар давомида жуда кўп ишлар қилинганини ҳам таъкидлаш керак. Бироқ бу ишга қўл урган мутахассисларнинг ҳаммалари қўйилган мақсадга етиш – Чўлпон ижодий меросини бор бўйи билан тиклаш ва асарларини тезроқ ўқувчиларга етказиш мақсади таъсирида айрим чалкашликларга ҳам йўл қўйдилар.

Эндиликда бу борадаги ишларнинг бир томони ўша чалкашлик, хато ва камчиликларни бартараф этган ҳолда ҳали ҳануз тўпламларига киритилмай келинаётган шеърларини ҳам қайтадан, синчковлик билан, бирламчи манбаларни ўрганган ҳолда кўриб чиқиш ҳамда кейинги тўпламларга киритиш зарурати юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Чўлпон. “Бу кундирки” // Бир кунлик камбағаллар газетаси. 1919. 7 ноябрь.
2. Дўстқораев Б. Бу кундирки // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1999. 24 декабр.
3. Тоғаев Т. Шарқнинг исёни // Миллий тикланиш. 1998. 1 декабрь.
4. О. О. Шарафиддинов. Адабиётимизнинг ярим асри. Т.: Ғ. Ғулом номли нашриёт, 1967. - 552 б.
5. Қаландар. “Ўзбекистон Марказ Ижроия қўмитасининг Раиси ўртоқ Охунбобо ўғлига Андижон шаҳри Олайлик даҳа Тожик маҳалла фуқароси мулло Фалонийдан аризанома” // Қизил Ўзбекистон. 1925. 16 октябрь.
6. Қаландар. “Ўзбекистон Марказ Ижроия қўмитасининг Раиси ўртоқ Охунбобо ўғлига Андижон шаҳри Олайлик даҳа Тожик маҳалла фуқароси мулло Фалонийдан аризанома” // “Ер юзи” журнали. 1926. 6-сон.
7. e – adabiyot.uz. Чўлпоннинг “Аризанома”си ва унинг матни хусусида. 2014. 2 сентябрь.